

9-28-2018

Mutual relations and criminal-legal aspects of the subjective side of the crime

F. Xudaykulov

Tashkent state university of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan, tsulscience@tsul.uz

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law



Part of the [Criminal Law Commons](#)

Recommended Citation

Xudaykulov, F. (2018) "Mutual relations and criminal-legal aspects of the subjective side of the crime," *Review of law sciences*: Vol. 2 , Article 59.

Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss3/59

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Review of law sciences by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



MUTUAL RELATIONS AND CRIMINAL LEGAL ASPECTS OF FACULTATIVE SIGNS OF THE OBJECTIVE SIDE OF THE CRIME

F. KHUDAYKULOV^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

ВЗАИМООТНОШЕНИЯ И УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ФАКУЛЬТАТИВНЫХ ПРИЗНАКОВ ОБЪЕКТИВНОЙ СТОРОНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

Ф.ХУДАЙКУЛОВ^а

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИ ВА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ф.ХУДАЙКУЛОВ^а

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур мақолада жиноят объектив томони факультатив белгиларининг бир-бири билан ўзаро муносабати, шунингдек уларнинг жиноятларни квалификация қилишдаги жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида келтирилган айрим жиноят объектив томони факультатив белгилари билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириши бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли, ва воситаси, онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши, ўзрилик, номусга тегиши.

Аннотация: в данной статье представлено соотношение между факультативными признаками объективной стороны преступления при квалификации деяния и их уголовно-правовые аспекты, в том числе теоретические и практические проблемы некоторых факультативных признаков объективной стороны преступления, которые указаны в Уголовном кодексе Республики Узбекистан. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации дальнейшего совершенствования уголовного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: место, время, способ, обстановка, средства и орудия совершения преступления, умышленное убийство, мать новорожденного ребенка, изнасилование.

Abstract: this article illustrates interrelations of facultative (non-obligatory) attributes of the crime impartial sides in qualifying the criminal act and their criminal-legal values, including the theoretical and practical problems of facultative attributes of the impartial sides of the crime, which are specified in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Moreover, proposals and recommendations for further improvement of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan are devised.

Key words: facultative attributes of the impartial side of the crime, place, time, manner, means and toolsof committing a crime, intended killing of a newborn child by mother, rape.

Хар қандай жиноят муайян жой, вақт, усул ва ҳолатлар шароитида содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишдан иборат бўлади. Хар қандай жиноят таркибида асосий ўринни эгалловчи жиноятнинг объектив томони ҳақида гапирганда В.Тимейконинг “Жиноят объектив томони ўзида муайян жой, вақт ва ҳолатлар шароитида содир этиладиган жиноий қилмишнинг ташқи хатти-ҳаракатини ифодалайди” [1] деган фикрини ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу фикрни илгари суришдан мақсад, жиноят объектив томони факультатив белгилари бир-бири билан ўзаро муносабатида айнан жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули ва ҳолатининг мавжудлиги муқаррар ҳисобланади. Баъзида бу факультатив белгилар жиноят содир қилиш воситаси ва қуроли каби жиноят ҳуқуқий аҳамият касб этса, баъзида эса жиноятни ўз вақтида фош этиш омиллари ҳисобланади. Масалан, ЎзР ЖКнинг 99-моддаси “онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш” жинояти бўйича жиноят объектив томони факультатив белгиларининг бир-бири билан ўзаро муносабатини кўриб чиқадиган бўлсак, бунда жиноят содир қилиш вақти (“туғиш вақтида” ёки “туғилиши ҳамон”) жиноят ҳуқуқий аҳамият касб этиб, жиноят таркиби зарурий белгиси ҳисоблансада, жиноят содир қилиш жойи (касалхонада ёки уй шароитларида), усули (босиб ўлдириш, зўрлик ишлатиб ўлдириш, бўғиб ўлдириш), қуроли ёки воситаси (пичоқ ёки кесувчи металл жисмлар билан ўлдириш) айнан бу жиноят таркиби учун жиноят аҳамият касб этмайди.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жиноят содир қилиш ҳолати гарчи ЎзР ЖКнинг 99-моддасида назарда тутилмаган бўлсада, жиноят содир қилиш ҳолати (онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтидаги ёки туғиши ҳамон пайтидаги алоҳида рухий-жисмоний ҳолати) – бу жиноят таркиби зарурий белгиси бўлган жиноят содир қилиш вақти (“туғиш вақтида” ёки “туғилиши ҳамон”) билан ўзаро жиноят ҳуқуқий муносабатга киришади ҳамда бу қилмишни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан бу жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси жиноят содир қилиш вақти билан бирга онанинг алоҳида рухий-жисмоний ҳолати (жиноят содир қилиш ҳолати) ўзаро бир-бири билан муносабатга киришади. Ўз.Р Жиноят қонунчилиги жиноят содир қилиш вақтини ЖКнинг 99-моддаси диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилган, аммо жиноят содир қилиш ҳолати назарда тутилмаган. Чунки она муайян бир рухий-жисмоний ҳолатлар: туғиш вақтидаги жисмоний оғриқлар ёки кутилмаган ҳомила (алдаш туфайли никоҳсиз вужудга келган ҳомила) натижасида она ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон қасддан ўлдиради.

Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон ўлдириши қисқа вақт давомида: чақалоқ танасининг бирон-бир аъзоси она қорнидан чиққан пайтида ёхуд чақалоқ ҳаёти бошлангандан сўнг бир сутка давомида амалга оширилади. Онанинг ўз чақалоғини уни туғишидан муайян вақт ўтганидан сўнг, яъни онада алоҳида рухий-жисмоний ҳолат, аёлнинг туғиш пайтида ёки бевосита туққанидан сўнг юзага келадиган ҳолати ўтганидан сўнг ўлдириши, жиноят содир этилишининг асосий сабабини инобатга олиб, ЖКнинг 97-моддасига кўра квалификация қилиниши керак. Одам ўлдиришни квалификация қилишда вақт омилини инобатга олиш шарт ҳисобланди[2].

Жиноят объектив томони факультатив белгиларининг бир-бири билан ўзаро муносабати ҳақида мулоҳаза юритишда биз ушбу мақолада жиноят содир қилиш усули билан бошқа факультатив белгиларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатини кўриб чиқамиз.

Бизга маълумки, жиноят ҳуқуқи назариясида баъзи олимлар жиноят содир қилиш усулини ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг бир шакли (формаси) сифатида қарашади. Масалан, Е.А.Сухаревнинг фикрича, жиноят содир қилиш усули ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг шакли ҳисобланади [3]. Фақатгина қилмиш ва усул бир бутунликда олинганда, бундай қарашнинг муайян бир қисмига қўшилса бўлади. Масалан, талончилик (ЎзР ЖКнинг 166-модда) ёки ўғрилик (ЎзР ЖКнинг 169-модда) жиноятларидаги жиноят содир қилиш усули – “очикдан-очик” ёки “яширин равишда” ўзганинг мулкини талон-торож қилишда мустақил равишда назарда тутилган бўлиб, ижтимоий хавфли қилмишда акс этмаган. Бундай ҳолатларда эса усулни ижтимоий хавфли қилмишнинг бир шакли деб бўлмайди. Аксинча, ижтимоий хавфли қилмишда акс этмаган жиноят содир қилиш усули деб эътироф этилади. Жиноят содир қилиш усулини ижтимоий хавфли қилмишнинг бир шакли бўлишига мисол қилиб, ЎзР ЖКнинг 110 (қийнаш), 112 (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш), 118 (зўрлик ишлатиб номусга тегиш) ва 119-(жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiй усулда қондириш) моддаларини келтириш мумкин. Жиноят содир қилиш усули ушбу моддаларда айнан ижтимоий хавфли қилмишнинг бир шакли сифатида қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилган.

Жиноят таркиби мустақил ижтимоий хавфли қилмишда акс этиш даражасига кўра жиноят содир қилиш усули: ижтимоий хавфли қилмишда акс этмаган ва шу ижтимоий хавфли қилмишда акс этган усулларга бўлинади.

Биринчисига, масалан, ЖКнинг 166-моддаси ва 169-моддаларидаги талончилик ҳамда ўғрилик жиноятида ўзганинг мулкани “яширин” ва “очикдан-очик” равишда талон-торож қилишда – бу ижтимоий хавфли қилмишда акс этмаган жиноят содир қилиш усулига мисол бўлади. Бу жиноятларда талон-торожнинг “яширин” ва “очикдан-очик” усулининг ўзи акс этган. Иккинчисига, ЖКнинг Махсус қисмида қонун чиқарувчи томонидан бир қанча моддаларда назарда тутилган жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатишнинг кўринишлари: “кийнаш, муттасил равишда дўппослаш, бошқача ҳаракатлар билан қийнаш, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш” (Ўз. ЖК 110, 112, 118, 119, 164 ва бошқа)ларни мисол қилиб келтирса бўлади.

Жиноят қонунчилигида жиноят таркибининг бир элементи сифатида жиноят содир этиш усули қуйидаги тарзда ифодаланиши мумкин: жиноят таркибининг факультатив элементи сифатида; жиноят таркибининг зарурий элементи сифатида; квалификацияловчи ва айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда квалификацияловчи белгиси сифатида; оғирлаштирувчи ҳолатларда квалификацияловчи белгиси сифатида; нормалар рақобати орқали билвосита ва бошқалар [4].

Жиноят содир этиш усули жиноят таркибининг барча элементлари билан ҳамбарчас ва ўзаро боғлиқликда бўлади. Ушбу боғлиқликни аниқлаш жиноят содир этиш усулини чуқур ўрганишда, ЖКнинг Умумий ва Махсус қисми нормаларида баён қилинган вазифа ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда жиноятни тўғри квалификация қилишда керак бўлади.

Жиноят содир этиш усули билан бошқа факультатив белгилар ўртасидаги ўзаро муносабати икки хил аҳамиятга эга: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик. Жиноят содир этиш усулининг бошқа факультатив белгилари билан ўзаро муносабатининг жиноят-ҳуқуқий жиҳати шундаки, ушбу белгиларнинг мавжудлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир кўрсатиши ва бир-бирига боғлиқ бўлган жиноят таркибларини бир-биридан фарқлаш учун мезон бўлиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖКнинг 164, 165, 166, 167, 168 ва 169-моддалари бўйича бир қанча мисоллар келтирамиз. Жумладан, талончилик жиноятини ўғрилик жиноятдан фарқи шундаки, талончиликда ўзганинг мол-мулки “очикдан-очик” талон-торож қилинса, ўғриликда эса “яширин равишда” талон-торож қилинади. Мазкур муаммоларнинг криминологик аҳамияти шундаки, факультатив белгиларини аниқлаш жиноят содир этилган шарт-шароитларни аниқроқ аниқлашга, пировардида у ёки бошқа жиноятларнинг олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон яратади.

ЖКнинг Махсус қисми моддаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда жиноят объектив томони факультатив белгилари айнан жиноят содир қилиш усули билан ўзаро жиноят-ҳуқуқий муносабатга киришади. Жиноят содир қилиш усулини жиноят таркиби мустақил ижтимоий хавфли қилмишида намоён бўлиш даражасига кўра таснифлаб, қилмишни квалификация қилишда уни бошқа жиноят объектив томони факультатив белгилари билан ўзаро муносабатини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Жумладан, қилмишни квалификация қилишда жиноят объектив томони факультатив белгиларини жиноят содир қилиш усули билан ўзаро муносабатини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1) *жиноят содир қилиш усулини муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг бир шакли сифатида намоён бўлиши нуқтаи назаридан (муайян ижтимоий хавфли қилмишда акс этган):*

а) жиноят содир қилиш усули билан жиноят содир қилиш қуролининг муносабати: ЎзР ЖКнинг 164-модда 2-қисми “а” банди (ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш – *жиноят содир қилиш усули* – қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб содир этилиши);

б) жиноят содир қилиш усули билан жиноят содир қилиш жойи муносабати – ЎзР ЖКнинг 164-модда 3-қисм “в” банди (ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш – *жиноят содир қилиш усули* – уй-жой, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилиши), ЎзР ЖКнинг 166-модда 3-қисм “б” банди (ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш – *жиноят содир қилиш усули* – уй-жой, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилиши);

2) *жиноят содир қилиш усули жиноят таркиби муайян ижтимоий хавфли қилмишда акс этмасдан, жиноят таркиби зарурий белгиси сифатида алоҳида назарда тутилиши нуқтаи назаридан:*

а) жиноят содир қилиш усули билан усул муносабати: ЎзР ЖКнинг 166-модда 2-қисм “а” банди (ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш (“очикдан-очик” – бу талон-торожнинг муайян жиноят таркибида мустақил равишда назарда тутилган ва зарурий белгиси бўлган жиноят

содир қилиш усули) – *жиноят содир қилиш усули* – ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш каби *жиноят содир қилиш усули* билан ўзаро муносабатда содир этилиши);

б) жиноят содир қилиш усули билан жиноят содир қилиш жойи муносабати: ЎзР ЖКнинг 169-модда 2-қисм “г” банди (ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш (“яширин равишда” – бу талон-торожнинг муайян жиноят таркибида мустақил равишда назарда тутилган ва зарурий белгиси бўлган жиноят содир қилиш усули) – *жиноят содир қилиш усули* – уй-жой, омборхона ёки бошқа биналарга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилиши ва бошқа моддалар.

Жиноят содир қилиш усули алоҳида ҳолларда у ёки бошқа жиноят объектив томонидан фарқлашни (яъни жиноятни бир-биридан фарқлаш), ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат ва бошқа жиноят таркиби белгилари мавжудлигини (ёки мавжуд эмаслигини) ҳамда бошқа жиноят объектив томони факультатив белгиларини тўғри аниқлашга имкон беради.

Жумладан, жиноят содир қилиш усулини муайян ижтимоий хавфли қилмишнинг бир шакли сифатида намоён бўлиши нуқтаи назаридан (муайян ижтимоий хавфли қилмишда акс этган) келиб чиқиб, жиноят содир қилиш усули билан жиноят содир қилиш қуроли муносабатини амалиётдаги таҳлилини кўриб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Масалан, қуйидаги мисолни келтириш мумкин. У., В. ва С.лар Ўз.Р ЖКнинг 164-м., 2-қ. “а”, “б” ва 3-қисми “б”, “в” бандлари билан айбланган. Иш материалларидан шу нарса маълум бўладики, У. дўстлари В. ва С. билан олдиндан тил бириктириб, режалар тузган ва хонаки усулда ов милтигини ясаган. 2017 йил 6 январь куни Чилонзор тумани 12-мавзесида яшовчи жабрланувчи А.нинг уйига тунги соат тахминан 2.00да ғайриқонуний равишда бостириб кириб, А.га ҳужум қилишган. У. А.ни У. ўзига тегишли бўлган хонаки усулда тайёрланган ов милтиғи билан кўрқитган, унинг шериклари В. ва С. А.нинг кўлини қайириб полга ётқизишган. Улар уйни титишиб, бор-йўғи 200 АҚШ доллари топишгандан кейин А.ни уриб дўшпослашган ва ундан пул, қимматбаҳо бойликларни талаб қилишган. Улар А.га ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатишиб, уйда мавжуд бўлган баҳоси 1 млн сўмлик А.га тегишли тилла буюмларни олишган ва А.нинг кўл оёқларини боғлаб воқеа жойидан ғойиб бўлишган. ИИБ ходимлари тезкор қидирув тадбирлари натижасида улар ушланган. Тиббий экспертисининг хулосасига кўра А.га “ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” етказилган. Суд иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, У. В. ва С.ларнинг қилмишини бир гуруҳ шахслар томонидан уй-жойга кириб содир этилган босқинчилик сифатида баҳолаб, уларни жазога ҳукм қилган [5].

Юқоридаги иш бўйича суд материалларида босқинчилик билан ҳужум қилиб, ҳаёт учун хавфли зўрлик ишлатиб, қурол билан қурол билан кўрқитиб, уй-жойга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда содир этилганини кўришимиз мумкин. Бу қилмишда жиноят содир қилиш усули (ҳужум қилиб, ҳаёт учун хавфли зўрлик ишлатиш) – жиноят содир қилиш қуроли (хонаки усулда ясалган ов милтиғи) ва жиноят содир қилиш жойи (уй-жойга ғайриқонуний равишда кирган ҳолда) каби жиноят объектив томонининг факультатив белгиларини қилмишни квалификация қилишдаги ўзаро муносабатини кўришимиз мумкин. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди бу шахсларнинг қилмишини тўғри баҳолаб, уларга нисбатан адолатли жазо тайинлаган.

Усулнинг жиноят содир этиш вақти, жойи, қуроллари, воситалари, ҳолати(вазияти), ижтимоий хавфли оқибат ва сабабий боғланиш билан ўзаро боғлиқлиги алоҳида қизиқиш уйғотилади, чунки жиноят содир қилиш усули келтирилган белгилар каби жиноят таркибининг объектив томони факультатив белгилари қаторига киради, модданинг таърифланиши ёки аниқ ифодаланшига қараб зарурий белгилар сифатида назарда тутилиши мумкин.

Кўпинча кун ва туннинг муайян вақти, йилнинг аниқ вақти (ёз ёки қиш) жиноят содир қилиш усулини танлашда таъсир кўрсатувчи омил бўлиб чиқади.

Мисол учун, талон-торож билан боғлиқ жиноятни содир этишда вақт жиноятни содир қилиш усулини танлаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, тунги вақт ўғрилиқ жиноятини содир этишда яширин усулни танлашни тақозо этади, босқинчилик жиноятидаги ҳужум, одатда, кечқурун, аммо қоронғи вақтда, одамлар оқими чекланганда содир бўлади.

Бунга мисол қилиб қуйидаги суд материалларини келтириш мумкин: Р. ЎзР ЖКнинг 169-м., 2-қ. “г” банди билан айбланган. Иш материалларидан шу нарса маълум бўладики, судланувчи Р. 2018 йил 9 мартдан 10 мартга ўтар кечаси соат тахминан 00.30да Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Наққошлик кўчаси жойлашган уйига ғайриқонуний равишда кириб, 3.га тегишли бўлган “Пентиум-5” русумли комплект компьютерини, “Эверкул” русумли винтилятор жихозларни

яширин равишда талон-торож қилган ҳамда воқеа жойидан яширинган. Жабрланувчи З. 2018 йил 11 октябрда ўз уйининг эшиги хонасини калит билан очиб кўрганда ўзининг нарсалари ўғирланганлигини билган ва Чилонзор туман ИИБга хабар берган. ИИБ ходимларининг тезкор қидирув тадбирлари натижасида айбдор Р. ушланган ва унинг қилмиши фош қилинган [6].

Уқоридаги иш бўйича суд материалларидан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди судланувчи Р.нинг жиноий қилмишини тўғри баҳолаган ва адолатли жазо тайинлаган. Шунингдек, ушбу иш материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бунда жиноят содир қилиш усули (ўзганинг мулкани “яшириш” равишда талон-торож қилиш) жиноят содир қилиш жойи З.га тегишли уй-жой биноси) қилмишни квалификация қилишда бир-бири билан ўзаро муносабатда боғланган ва жой ўғрилиқ жиноятида қонун чиқарувчи томонидан жавобгарликнинг оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида эътироф этилган. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни суд синчковлик билан ҳар томонлама ва тўлиқ таҳлил қилиб, қилмишни тўғри баҳолаган ҳамда тўғри тўхтамга келган.

Статистик маълумотлар ва криминологик тадқиқотларга кўра ўғирлик, айниқса, ёзги вақтда, аҳолининг аксарият қисми ўз уйлари тарк этиб, ҳар хил дам олиш масканларига кетганида кўпаяди. Баҳорда ва ёзда номусга тегиш жинояти сони кўпаяди, бунда иссиқ об-ҳаво, либосларнинг очиқ-сочиқлиги билан бегоналар диққатини тортиш миқдори ошганлиги, кўчада, истироҳат боғларида, хиёбонларда кўпроқ вақт ўтказиш жинсий зўравонлик жиноятларини содир этишга қулай шарт-шароитлар яратади.

Жиноят содир қилиш усули – шаҳар ёки қишлоқ жой, очиқ ёки ёпиқ жой, турар жой(уй-жой), хона ёки сақлаш жойи ва ҳоказо каби жиноят содир этиш жойига ҳам боғлиқ.

Жиноят содир қилиш усулига тегишли равишда жой қанчалик жиноят содир қилиш усули батафсил кўрилишига боғлиқ ҳолда изоҳланади; жиноят содир қилиш усули элементлари ва белгиларини батафсил текшириш, одатда, жой шароитларини батафсил текшириш билан боғлиқ бўлади [7].

Мисол тариқасида, ЎЗР Олий судининг Пленуми 2002 йил 14 июндаги №10 қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан “Ўзганинг мулкани ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 йил 30 апрелдаги №6 қарорининг 9-бандида ғайриқонуний кириш деганда, ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш тушунилади. Ғайриқонуний кириш нафақат яширин, балки очикдан-очиқ тўсиқлар, одамлар, шунингдек кўриқловчи ходимларнинг қаршичилигини енгиб содир этилиши мумкин. Алдаш йўли билан, шунингдек қалбаки рухсатномалардан фойдаланиб, масалан, сантехник, алоқа бўлими ходими, газ, электр энергия ва ёнғиндан назорат қилувчи ходимлар ва бошқалар тариқасида бинода пайдо бўлиши ғайриқонуний кириш деб баҳоланиши керак. Ғайриқонуний кириш бирдан-бир мақсад бўлиб қолмасдан, айбдор ўғирлаб кетмоқчи бўлган бойликлар сақланаётган жойга кириб боришнинг услуги ҳисобланади. Шу сабабли уй-жойдан, бинодан ёки бошқа омборхонадан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш нияти ғайриқонуний киришдан илгари юзага келади. Агар айбдор хонага бошқа сабаблар билан кирган бўлиб, моддий бойликларни яширин ёки очикдан-очиқ талон-торож қилиш мақсади кейин пайдо бўлса ва бу ниятни у амалга оширса, қилмишда талон-торожнинг тушунтирилаётган таснифлаш белгиси мавжуд бўлмайди.

Уй-жой деганда, кишиларнинг доимий ёки вақтинчалик туришига мўлжалланган (шахсий уй, хонадон, меҳмонхонадаги, санаториядаги хона, дала ҳовли, боғ ҳовли ва бошқалар) бино, шунингдек унинг таркибига кирувчи дам олиш учун, мулкни сақлаш учун ёхуд инсоннинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун (балконлар, ойнаванд айвонлар, омборлар ва бошқалар) тушунилади.

Омборхона деганда, товар моддий бойликларни доимий ёки вақтинчалик бўлсада сақлаш, ташиш, талон-торож қилишдан, табиий офатлардан, айнишдан ва йуқ бўлиб кетишдан асраш учун махсус жиҳозланган, мослаштирилган алоҳида қурилма ёки жойи тушунилади.

Махсус мосламалар (илгаклар, қармоқлар, магнитлар, сўриб олувчи резинка ичаклар, қисқичлар ва ҳоказо)дан фойдаланиб ўзганинг мулкани эгаллаш тушунтирилаётган уй-жой, омборхона ва бошқа хонага кириб қилинган талон-торожнинг тавсифлаш белгисини ташкил этмайди [8].

Кўрсатиб ўтилган мисоллар жиноят содир қилиш усули ва жойи ўзаро алоқадорлиги ҳамда бир-бирига боғлиқлигини ифодалайди, яъни ушбу ҳолларда ғайриқонуний кириш – ўғирлик, талончилик ва босқинчилик жиноятини квалификацияловчи белгиси сифатида жиноят содир қилиш усулини аниқлашга тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Жиноятни содир қилиш жойига тўғри баҳо бериш жиноятни содир қилиш усулининг квалификацияловчи белги сифатида мавжудлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишга тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Жиноят содир қилиш усулини танлашга кўпинча техник жиҳозланганлик, жиний натижа (оқибат)га эришиладиган у ёки бу қуроллар ва воситаларнинг мавжудлиги сабаб бўлади.

Ушбу мақола ёзилишидан олдин йигирмадан ортиқ хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги таҳлил қилинди. Шундан келиб чиқиб, Россия Федерацияси, Беларусь, Латвия, Литва, Молдова, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Эстония давлатларини таҳлил қилиш натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги тўхтамларга келиш мумкин:

Биринчидан, юқорида тилга олиган давлатлар, шунингдек бизнинг ҳам жиноят қонунчилигимиз нормаларида қонун чиқарувчи ижтимоий хавфли қилмиш билан жиноят содир қилиш усули ўзаро боғлиқликда муносабатда бўлишини аниқ қилиб кўрсатган. Ўзаро муносабат қуйидаги формула – жиноят содир қилиш усули – ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши “учун”хизмат қилувчи (яъни ижтимоий хавфли қилмишда акс этмаган усул – масалан, ўғрилик жиноятида талон-торожнинг “яширин” усули) ёки “унинг асосий қисми” (яъни ижтимоий хавфли қилмишда акс этган усул – масалан, қийнаш, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш жинояти) тарзда намоён бўлиши мумкин.

Иккинчидан, юқоридаги хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида ижтимоий хавфли қилмишга “қўшимча” тарзда хизмат қиладиган жиноят содир қилиш усули фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлади. Фақат Эстония Республикасининг жиноят қонунчилигида эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда ҳам жиноят содир қилиш усули мавжуд бўлиши назарда тутилган. Жумладан, Эстония Республикаси жиноят кодексининг 205-моддаси “Эҳтиётсизлик орақасида ашёга зарар етказиш ёки нобуд қилиш” деб номланган, унга кўра “Эҳтиётсизлик орақасида ўзганинг ашёсига, маданият ёдгорлигига, музей буюми ёки музей коллекциясига зарар етказиш ёки нобуд қилиш, агар бундай қилмиш *кўпчилик учун хавфли бўлган усулда* содир этилса ёхуд кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса” пул ундируви ёки бир йилгача бўлган муддатга қамоқ билан жазоланади [9].

Жиноят содир этиш воситалари ва қуроллари усулга ўхшаган ҳолда, жиноят таркиби объектив томонининг факультатив белгилари бўлиб, бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқдир. Н.Ф.Михайлов ҳам эътиборини қаратиб, биринчиси иккинчисининг таркибий қисми бўлишини билдирмайди. Улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик жиноятни содир этиш қуроллари ва воситалари кўпинча жиноят содир этиш усулининг қўшимча тавсифловчиси эканлигини намоён қилади. Кўпинча усулни танлаш жиноятни содир этиш воситалари ва қуроллари билан кескин равишда аниқланади[10].

Шу муносабат билан А.Н.Леонтьев: “Қурол нафақат предмет (нарса)нинг мавжудлиги, балки у муайян шакл касб этадиган ва маълум бир жисмоний хусусиятга эга бўлади. Шу билан бирга, қурол бу ижтимоий предмет (нарса), яъни муайян фойдаланиш усулига эга бўлган, жамоат меҳнати жараёнида улар томонидан мустақамланган, шаклланган предмет (нарса)дир. Қуролдан фойдаланмоқ (яъни қуролга эга бўлмоқ) нафақат унга эга бўлишни англатади, балки унинг мавжудлигида моддий амалга ошириш воситаси, ҳаракат усулига эга бўлишни билдиради [11].

Жиноят содир қилишнинг бошқаларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усули муайян қурол ишлатишни, масалан, портлатиш учун гранатани, ўқ отиш қуролини – одамларнинг оммавий тўпланиш жойларида отишма ташкил этиш мақсадида ва ҳоказоларни тақозо этади. Жиний ишлар бўйича ўрганиб чиқилган материаллар қасддан одам ўлдириш жиноятининг аксарият қисми жиноят содир этишнинг у ёки бу қуроллари ва воситалари ёрдамида амалга оширилганлигини кўрсатади. Бунда у ёки бу қуролни танлаш, ўрганиб чиқилган ҳолларда, жиноят содир қилиш услини танлашга сабаб бўлган.

Ҳолат (вазият) кўпинча жиноятни содир этиш усулини белгилайди. Бир мунча кўпроқ ёки камроқ даражада мавжуд бўлган ҳолда у доимий равишда фақат жиноят содир этаётган шахсга маълум бўлиши мумкин, нисбатан боғлиқликда унинг хусусиятлари инобатга олган ҳолда жиноятчи олдиндан у ёки бошқа жиноят содир қилиш усулини танлаш ёки тайёрланадиган жиноятнинг мақсадини ёки мақсадларини аниқлашда юзага келаётган ёхуд юзага келган объектив шарт-шароитни қабул қилиш имкониятига эга. Аммо ҳолат ўзгариб турадиган тоифа бўлганлиги учун, жиноятчи кўпинча ҳолат (вазият, шарт-шароит)нинг мавжуд аҳамиятли элементларни жиноятни содир этиш вақтида аниқлаши мумкин. Нисбатан боғлиқликда, жиноятни содир этиш ҳолат (вазият)ини жиноятнинг умумий жараёни давомида ўрганиш керак. Оралиқ мақсадларнинг ўзгариши ёки янги мақсадларнинг ҳолат (вазият)га қараб вужудга келиши жиноят содир қилиш усулининг моҳиятини ҳам ўзгартиради [12].

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларимиз куйидагилардан иборат:

Хусусан, Ўз.Р ЖКнинг 99-моддасида онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон қасдан ўлдириш ҳақида гаприлиб, онанининг алоҳида руҳий-жисмоний ҳолати назарда тутилмаган. Лекин ҳорижий мамлакатлар жиноят қонунчиликларида бу ҳолатлар алоҳида Махсус қисм модда диспозициясида инобатга олинган. Масалан, РФ ЖКнинг 106-моддаси “онанинг ўз чақалоғини ўлдириши” деб номланган бўлиб, ушбу модда диспозицияси: “Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғиши ҳамон (туғганидан кейин бирданига) ўлдириши, шунингдек онанинг ўз чақалоғини руҳий жароҳатланиш (шикастланиш) ҳолатларидаги шароитларда ёки ақли расоликни истисно этмаган руҳий касаллик (руҳий бузилиш) ҳолатида ўлдириши” РФ жиноят қонунчилигида назарда тутилган. Қозоғистон ЖКнинг 100-моддаси [13], Қирғизистон ЖКнинг 133-моддаси [14], Беларусь ЖКнинг 140-моддасида [15] ҳам худди тартибда баён қилинган.

Бизнинг фикримизча, ЎзР ЖКнинг 99-моддасида ҳам жиноят содир қилиш ҳолати (онанинг алоҳида руҳий-жисмоний ҳолати) қонун чиқарувчи томонидан назарда тутилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шу жиҳатларни инобатга олиб, Ўз.Р ЖКнинг 99-моддасини куйидаги таҳрирда баён қилиниши керак:

99-модда. Онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириши

Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасдан ўлдириши, шунингдек онанинг ўз чақалоғини руҳий шикаст етказувчи шароитдаги ҳолатларда ёки ақли расоликни истисно этмаган руҳий бузилиш ҳолатида ўлдириши – бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ЎзР ЖКнинг 118-моддаси диспозициясидаги нормани ўзгартириш лозим. Хусусан, Франция жиноят қонунчилигининг 222, 223-моддасида “Ўзга шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, мажбурлаб, кўрқитишлар ва алдаш билан содир этилган ҳар қандай жинсий алоқа қилиш номусга тегиш ҳисобланади [15].

Хусусан, бизнинг жиноят қонунчилигида номусга тегиш жиноятида “кўрқитиш” умумий берилган бўлиб, жиноят содир этиш усули аниқлаштирилмаган. Шунинг учун ЎзР ЖКнинг 118-моддасини куйидаги таҳрирда баён қилиш лозим:

118-модда. Номусга тегиш

Номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб, мажбурлаб ёки алдаш йўли билан жинсий эркинлигини синдириб ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш – уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, жиноят объектив томони факультатив белгиларининг бири билан ўзаро муносабати, шунингдек уларнинг жиноят ҳуқуқий жиҳатлари жиноятларни квалификация қилишда аҳамиятли ҳисобланди.

Жиноят объектив томони факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари эга эканлиги ҳақида куйидаги хулосаларни таъкидлаш мумкин:

Биринчидан, жиноят объектив томони факультатив белгиларининг қилмишни квалификация қилишдаги иккита асосий ўзига хос жиноят ҳуқуқий жиҳатини таъкидлаб ўтиш лозим. Улар ўзига хос “учлик” бўлиб, жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Улар куйидагилар ҳисобланади:

а) қилмишни квалификация қилишда қилмишни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят қонун нормасида тўғридан- тўғри эътироф этилиши (ЎзР ЖКнинг 166, 167, 168, 169-моддалар ва бошқалар);

б) қилмишни квалификация қилишда жиноят таркиби (объектив томони)нинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида ЖКнинг Махсус қисм моддаси оғирлаштирувчи қисмида эътироф этилиши (ЎзР ЖКнинг 97-м., 2-қ. “д”, “е”, “з” бандлари, 104-м., 2-қ. “г” банди, 105-м., 2-қ. “д” банди ва бошқа моддалар бандлари);

д) жазо тайинлашда улар жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида суд томонидан инобатга олиниши мумкин. Масалан, жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида (яъни жиноят содир қилиш ҳолати) жиноят содир этиши ЎзР ЖКнинг 55-моддаси “г” бандига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига киради. Жиноят ўта шафқатсизлик билан ёки бошқалар ҳаёти учун хавфли усулда содир этилди (жиноят содир этиш усули), умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий

тартибсизликлар жараёнида (жиноят содир этиш вақти) содир этилса, Ўз.Р ЖКнинг 56-моддасига кўра жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади.

Иккинчидан, жиноят объектив томони факультатив белгилари ЖКнинг Махсус қисм муайян модда нормасида қонун чиқарувчи томонидан тўғридан-тўғри назарда тутилса, улар жиноят таркиби (объектив томони) ва қилмишни квалификация қилишнинг зарурий (конструктив) белгиси сифатида намоён бўлади.

Учинчидан, жиноят объектив томони факультатив белгилари ЖКнинг Махсус қисми муайян норма моддасининг оғирлаштирувчи қисмларида қонун чиқарувчи томонидан тўғридан-тўғри кўрсатилса, улар қилмишни квалификация қилишнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида намоён бўлади. Уларнинг қонун чиқарувчи томонидан жиноят таркибининг зарурий белгиси ва жавобгарлигини оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида жиноят қонуни нормасида кўрсатилиши қилмишни квалификация қилишда бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Дарҳақиқат, жиноят объектив томони факультатив белгилари жиноятларни квалификация қилишда ўз таъсирини кўрсатади, шунингдек жазо тайинлашда ҳам инобатга олинади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жиноят объектив томони факультатив белгиларини бир-бири билан муносабатини аниқ қилиб ақс этириш жиноятларни квалификация қилиш ваколатига эга бўлган субъектларга қилмишни квалификация қилишда қулайликлар туғдиради. Шу ўринда жиноят қонунчилиқ нормалари тўғри қўлланишига олиб келади.

References:

1. Timeyko G.V. Obsheye ucheniye ob ob'ektivnoy storone prestupleniya. – Rostov n/D, 1977. – S.6.
2. Rustamboyev M.X. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksiga sharhlar (Maxsus qism). (O'zbekiston Respublikasi Adliya vaziri, birinchi darajali adliya maslahatchisi B.M. Mustafoyevning umumiy tahriri ostida). – T.: ILM ZIYO, 2006. – B.30.
3. Suxarev Ye.A. Optimalnoye otrajeniye sposoba soversheniya prestupleniya v konkretnix sostavax // Nekotore voprosi effektivnosti ugovolnogo zakonodatelstva. – 1974. – S.60.
4. Novik V.V. Sposob soversheniya prestupleniya. Ugolovno-pravovoy i kriminalisticheskiy aspekti. – SPb., 2002. – S.14.
5. Toshkent viloyati Chirchiq sud arxivi materiallaridan. – Toshkent, 2017.
6. Toshkent viloyati Chirchiq sud arxivi materiallaridan. – Toshkent, 2017.
7. Jordaniya I.Sh. Struktura i pravovoye znachenije sposoba soversheniya prestupleniya. – Tbilisi: Izdvo«SabchotaSakartvelo», 1977. – S.63.
8. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumi qarorlar to'plami./1991–2006. Birinchi jild. Rasmiy nashr. – T.: Adolat, 2006. – B.223-224.
9. Ugolovniy kodeks Estonskoy Respubliki (s izmeneniyami i dopolneniyami po sostoyaniyu na 11.06.2018 g). www.estonia.news-city.info
10. Mixaylov N.F. Sposob soversheniya prestupleniya i yego ugovolno-pravovoye znachenije. Avto-ref. diss...k.yu.n. – M., 2007. – S.17.
11. Leontev A.N. Problemi razvitiya psixiki. – M., 1959. – S.213.
12. Mixaylov N.F. Sposob soversheniya prestupleniya i yego ugovolno-pravovoye znachenije. Avto-ref. diss. k.yu.n. – M., 2007. – S.18.
13. Ugolovniy kodeks Respubliki Kazaxstan (s izmeneniyami i dopolneniyami po sostoyaniyu na 12.07.2018 g). www.zakon.uchet.kz.
14. Ugolovniy kodeks Respubliki Kirgizii (s izmeneniyami i dopolneniyami po sostoyaniyu na 24.01.2018 g). www.online.zakon.kz.
15. Ugolovniy kodeks Respubliki Belarus (s izmeneniyami i dopolneniyami po sostoyaniyu na 17.07.2018 g). www.kodeksy.by.
16. Ugolovniy kodeks Fransii / nauch. red. L. V. Golovko. – SPb.: Yuridicheskiy tsentr Press, 2002. – S.174.